E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

ЭПИДЕМИОЛОГИЯФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Хамзаева Нилуфар Тоштемировна

Тошкент Тиббиёт Академияси

Матназарова Гулбахор Султановна

Тошкент Тиббиёт Академияси

Долзарблиги: Юқори малакали ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга инновацион ёндашув олий касбий таълимнинг стратегик йўналишидир. Тиббий таълим инсоният фаолиятнинг нисбатан консерватив соҳаларидан биридир, шу билан бирга у замонавий талабларни акс эттириши, қўллаши ва таъминлаши зарур.

Глобаллашув даврида таълим жараёнига анъанавий тушунчалар қаторига янги-янги воситалар кириб келмокда. Ўқитиш ва таълим жараёни учун булар янгилик эмас. Ушбу иборалар ёнидан жой олган масофавий ўқиш, масофавий таълим ибораларининг кириб келиши таълим тизими такомиллашувини, яъни техника асрининг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб берувчи кучга айланмокда.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли –замонавий телекомуникацион ўқитишнинг вужудга келишига омил бўлди.

Ўқиш жараёнида телекомуникация усулларини кулаш – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир. Телекоммуникация -– бу янги ахборот технологиялари, масофавий ўқиш технологиялари ва техника воситаларига асосланган таълим тизимидир. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, нафакат талаба, магистр, ординатор ва ўқувчи кўпроқ уз устида шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир.

Илмий ишнинг натижалари: Замонавий педагогик технологияларни аввалдан лойиҳалаштирилган ўқитиш жараёнини тизимли ва кетма-кетлик асосида амалиётга тадбиқ этиш нуқтаи назаридан ёндошмоқ ва бу жараён мақсадларига эришиш усул ҳамда воситалар тизими деб тушунмоқ керак. Ўқиш жараёнини ўқитувчилар томонидан самарали ташкил этмоқ учун ўқитиш методи, методлар ва инновацион технологиялар орасидаги чегарани аниқлашни таққозо этади.

Метод - умумлаштирилган ҳолатда ўқиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш учун йўналтирилган тавсиялар йиғиндисидир. Инновацион технология – бу ташкиллаштирилган, бирор мақсадга йўналтирилган, режалаштирилган педагогик таъсир этиш ва ўқиш жараёнига таъсир этишдир. Педагогик технология ўқиш жараёнини тадбиқ этишнинг мазмунли техникасидир. Инновацион технология мақсадга эришиш жараёнини натижаларини гавдалантиришни ҳисобга олади, яъни ўқитишни мақсадларига эришишни англатади.

Силлабус – бу фанни ўқув-методик дастуридир ва унинг таркибига ўқитилаётган предмет ҳақида маълумот бериш, мақсад ва вазифаларини, қисқача мазмунини, мавзу ва ҳар бир машғулотнинг давомийлигини, мустақил иш мавзуларини, консультациялар вақти, ўқитувчининг талаблари, баҳолаш мезонлари ва асосий ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

Кейиги пайтларда таълим олишни давом эттириш ва олиш, мутахассисликни эгаллаш хамда хориж университетларида кўникмаларни эгаллаш имкониятлари кенгаймоқда. Ёндош фанлар ва янги технологиялар ошириш йўли билан касбий компетентликни ошириш каби йўналишлар ҳам шулар жумласидандир. (8)

Тошкент тиббиёт академиси Эпидемиология кафедраси профессор-ўқитувчилари қўп йиллар давомида ҳозирги даврда соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларини ечиш қобилиятга эга бўлган, рақобатбардош ва тиббий хизмат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали мутахассиларни шакллантириш вазифасини ўз олдига қўйган ва амалга оширмоқда. Шу қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида травматология ва ортопедия кафедраси ўқитувчилари қуйидагича педагогик ёндошувларни амалга киритишмоқда:

- касбга йўналтирилган технологик ўқитиш- бу технология талабаларда бўлажак касбий фаолиятида фойдали бўладиган шахсий сифатларни шакллантирадиган, функционал вазифаларини мақсадга мувофиқ бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашни таъминлаш. Ўқитувчи томонидан тўғри шакллантирилган ташхис изланишлар зарур маълумотларни аниқлайди, амалий машғулотларни ўткизиш жараёнида талабалар томонидан фан бўйича ўргатувчи клиник масалаларни ечиш ташхис қўйиш жараёнини барча вариантларини таҳлил қилишга имкон беради, тўғри ва хато йўналишларни кўрсатади, абстракт ва клиник фикрлашни ривожлантиради;

- ўқитиш жараёнида кетма-кет босқичли назарий билимлар олиш йўлидан фойдаланиш ва амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш тиббий ходим мутахассисни касбий ва умуммаданий компетентлигини шакллантиради, шу билан бирга врач клиницистни ўқитишда индивидуал ёндашувни устуворлигини белгилайди;

- клиник таълим усулидан фойдаланиш 4 ва 5 босқич талабаларини ўқитиш жараёнида, маълумки, бу ерда на фақат билимни ва врачлик тажрибасини ўтказиш ва қайта ҳосил қилиш, балки энг мухими амалий билим ва кўникмаларни эгаллаш мумкин бўлади. Клиник фикрлаш асосини турли илмий фанлардан изланиш йўли билан орттирилган билимлар, фикрлаш, хотира, фантазия, интуиция, бажара олиш, ҳунар ва мохирлик хусусиятлари ташкил этади. Бу нафақат мураккаб логик масалаларни ечиш, балки кузатувчанлик қобилияти, руҳий мулоқат ўрната олиш, бемор билан ишончли мулоқат ўрнатиш, интуицияни шаклланиши ва “ҳаёлан бунёд қилиш”, буларнинг барчаси патологик жараённи бир бутунликда гавдалантириш қобилиятини шакллантиради.

Ўзлаштириш фаоллигини тезлаштиришда ва айниқса клиник фикрлашни яхшилашда интерактив ўқитиш шаклларига катта ахамият берилади, яъни кейс-стади усули, ролли ўйин ва бошқа талабаларнинг билимга бўлган интилишларини ва касбий фаолиятни амалий эгаллашга чорлайди. Инновацион таълим технологиялар сифатида хирургик касалликлар кафедрасида алоҳида ахамиятга ва самарага эга бўлган “кейс-стади” усули турли касалликларни қиёсий тасхишлашда амалий машғулотларда қўлланилади.

Шу билан бирга мутахассисни касбий вазиятда мақсадга мувофиқ, ўзининг қобилиятини ва тайёрлигини намойиш эта олиши катта аҳамиятга эга, яъни билим ва тажриба асосида, ўзининг хусусий ғояларига таяниб уз олдига қўйилган вазифаларни мустақил ечиш, топилган ечимларни баҳолаш ва ўз фаолиятни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Мультимедиядан фойдаланиб (анимация, видео, овоз ва ҳ.к.)информацион – маълумот ёндашув усулини тадбиқ этиш маълумотларни, яъни маъруза ва амалий машғулотларни яхшироқ тушунишга, фикрлаш ва эслаб қолишга ёрдам беради.

Мультимедиянинг психологик афзаллиги ўқувчига бир вақтнинг ўзида аудиал (овоз) ва визуал (статик ва динамик) маълумотнинг руҳий туртки бериши талабада фикрлашни ва ижодий ёндашув қобилиятини ривожлантиради. Факультет ва госпитал жарроҳлиги кафедраси ўқитувчиларининг яна бир муҳим вазифаларидан бири талабаларни услубий адабиётлар билан, нашрий маҳсулотларни электрон кўринишларидан, электрон дарслик ва электрон қўлланма, олий ўқув юртларининг таълим порталларидан, электрон кутубхоналар ва бошқалардан таълимни маълумотлар билан таъминлаш бўйича жуда кўп базага эга бўлган интернет ёрдамида тизимли, мустақил ишлашга даъват этишидир.

Олий касбий таълим тизимида унинг сифатини баҳолаш мезонларида кузатилган ўзгаришларни ҳисобга олиб: билимларни эгаллаш юқори даражадаги фикрлаш қобилияти билан бирга бўлиши, мехнатсеварлик, ўз фаолиятини ташкил этишни билиши ва касбий кўникмаларини олган мутахассислар томонидан назарий ва амалий билимлари асосида ташкил этилади. Айнан шу хусусиятларнинг йиғиндиси мутахассис мехнатининг самарадорлигини ва сифатини белгилайди. Замонавий таълим технологияларининг муваффақиятли ривожланиши тўғри ташкил этилган таълим муҳити, яъни шахсий, информацион, касбий, ижтимоий мухит ва моддий-техник манбаларига боғлиқ.

Эпидемиологияфанини ўқитишда қўлланиладиган янги педагогик технологиялар

Ўқитиш жараёнини замон талаб даражасига кўтариш, бу итаълим технологиялари олий таълимни модернизациялашнинг асосий омилидир.

“SWOT ТАҲЛИЛИ” УСУЛИ



“SWOT таҳлили” – назарий билимлар ва амалий тажрибаларни ўрганиш, ғоя, жараён, тажриба ҳамда иш натижаларини таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топиш, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолаш, танқидий фикрлаш, аналитик тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бу усулни биринчи бўлиб 1963 йили Гарвардда бўлиб ўтган илмий конференцияда бизнес-сиёсатшунос профессор Кеннет Эндрюс таклиф этган ва асосан иқтисодиёт соҳасида бизнес лойиҳаларни стратегик режалаш ва баҳолаш учун қўлланилган.

Кейинчалик бу усул бошқа соҳаларда ҳам қўлланила бошланди. Тиббиётда эса “SWOT таҳлили” усулини диагностика ва даволаш усуллари, профилактик чора-тадбирларнинг таҳлилида қўлаш мумкин.

“SWOT” қисқартмаси қуйидаги инглизча сўзларнинг бош ҳарфидан олинган:

- S – Strengths (объект ёки усулнинг кучли томонлари);
- W – Weaknesses (объект ёки усулнинг заиф томонлари);

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

- O – Opportunities (объект ёки усулнинг имкониятлари);
- T – Threats (объект ёки усулга нисбатан хавф ёки тўсиқлар).

Бундай таҳлил орқали Талабалар бирор бир усулнинг кучли томонлари билан бирга унинг заиф томонларини ҳам ўрганадилар, бу усул имкониятлари билан унга нисбатан тўсиқлар ва хавфларни таҳлил қиладилар.

“SWOTтаҳлили” усулини ўтказишда 4 та катакли жадвалдан фойдаланилади:

	Ижобий таъсир	Салбий таъсир
Ички омиллар	Strengths (таҳлил этилаётган объект ёки усулнинг кучли томони)	Weaknesses (таҳлил этилаётган объект ёки усулнинг заиф томонлари)
Ташқи омиллар	Opportunities (таҳлил этилаётган объект ёки усулнинг имкониятлари)	Threats (таҳлил этилаётган объект ёки усулга салбий таъсир этувчи ташқи таъсирлар)

Юқоридаги иккита катакда таҳлил этилаётган усулнинг ёки объектнинг кучли ва кучсиз томонлари ифодаланади ва улар ички омиллар ҳисобланади. Пастдаги иккита катакда таҳлил этилаётган объектнинг имкониятлари ва унга нисбатан мумкин бўлган тўсиқ ва хавфлар ифодаланади ва улар ташқи омиллар ҳисобланади.

“SWOTтаҳлили” усулини ўтказишда вазифалар гуруҳли тарзда ёки Талабаларга якка тартибда берилиши мумкин. Бу усул Талабаларда аналитик фикрлаш, билимларни мустаҳкамлаш, ўтилганларни такрорлаш, танқидий мулоҳаза юритиш ва тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўрганилаётган объект, яъни диагностика ва даволаш усулини 4 томонлама таҳлил этадилар. “SWOTтаҳлили” усулини бошқа фанларнинг амалий машғулотларида ҳам шу тарзда ўтказиш мумкин.

“ДАВРА СУХБАТИ” УСУЛИ

“Давра суҳбати” методи – давра суҳбати атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан Талабалар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир. Бу усулни Талабалар билан ўтказиш жуда қулай бўлиб, бу усулда уларнинг фикрлари тингланади, муаммо бўйича барча Талаба ўз қарашларини этиб ўтадилар, педагог ва Талабалар орасида бевосита жонли мулоқот бўлади.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак (расм). Бу ҳар бир Талабанинг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришга ёрдам беради.


Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва Талабалардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир Талаба ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган Талабани барча диққат билан

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса Талабаларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир Талабага конверт қоғози берилади.

Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



Ҳар бир Талаба конверт устига маълум бир мавзу бўйича уз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги Талабага узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги Талабага узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.

2. Таълим берувчи Талабаларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.

3. Ҳар бир Талабага биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда нечта Талаба бўлса, шунчадан “Жавоблар варақлари” тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади.

4. Талаба конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган Талаба конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган Талаба конверт устидаги саволга “Жавоблар варақлари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги Талабага узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган Талабанинг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган Талаба конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Ушбу метод орқали Талабалар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали Талабаларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда Талабалар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа Талабалар берган жавобларини баҳолашлари ва таьлим берувчи ҳам Талабаларни объектив баҳолаши мумкин.

“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:

● янги мавзуни яхши эсда қолишига ёрдам беради;

● барча Талабалар иштирок этадилар;

● ҳар бир Талаба ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;

● ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:


● кўп вақт талаб этилади;

● таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;


“ГУРУҲЛИ МУХОКАМА” УСУЛИ

“Гуруҳли мухокама” усули – талабаларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

“Гуруҳли муҳокама” усули қўлланилганда таьлим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча талабаларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934





Ушбу метод қўлланилганда талаба кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Гуруҳли муҳокама” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Талабалар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.

3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4.Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтирибтурилади.

5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

Гуруҳли мухокама жараёни

“Гуруҳли муҳокама” методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча Талабалар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

“Гуруҳли муҳокама” методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз Талабалар бўлганлиги сабабли кучли Талабаларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча талабаларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

СИНКВЕЙН УСУЛИ

Методнинг мақсади:“Синквейн” сўзи французча сўздан олинган бўлиб, “беш мисрадан иборат шеър” таржимасини беради. Амалиётда “Синквейн”: мураккаб ахборотларни синтезлаш қуроли ва тушунчалар заҳирасини баҳолаш воситаси; ижодий ифодалиликвоситаси сифатида жуда фойдалидир. “Синквейн” таянч касбий тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор восита ҳисобланади.

“Синквейн”тузиш қоидаси қуйидагича:

биринчи қаторда бир сўз билан мавзу ёзилади - одатда от туркумидаги оид сўз билан;

иккинчи қаторда мавзу икки сўз билан таъсвирланади - сифат туркумига оид икки сўз билан;

учинчи қаторда ушбу мавзу бўйича хатти-ҳаракатлар уч сўз билан таъсвирланади;

тўртинчи қаторда мавзуга алоқадорликни кўрсатувчи тўртта сўздан иборат гап ёзилади;

бешинчи қатор мавзу моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синоним шакллантирилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Matnazarova G. et al. The new coronavirus-cOvid-19 in Uzbekistan //Int. J. Pharm. Res. – 2020. – С. 548-556.

2. Mirtazayev O. M. et al. SCIENTIFIC, METHODOLOGICAL AND ORGANIZATIONAL BASES OF MANAGEMENT OF THE EPIDEMIC PROCESS IN CASE OF SALMONELLOUS INFECTION IN UZBEKISTAN //Central Asian Journal of Pediatrics. – 2020. – Т. 2020. – №. 3. – С. 5-14.

3. Urakovna N. N. et al. EPIDEMIOLOGICAL ANALYSIS OF THE HUMAN IMMUNODEFICIENCY VIRUS //World Bulletin of Public Health. – 2023. – Т. 21. – С. 95-98.

4. Toshtemirovna K. N., Islamovna S. G., Sultanovna M. G. THE EFFECTIVENESS OF A NEW FOOD SUBSTANCE-A HARD GELATIN CAPSULE-" SEDAN BARK" IS BEING STUDIED IN CHILDREN WHO HAVE RECOVERED FROM THE CORONAVIRUS //British View. – 2023. – Т. 8. – №. 3.

5. Khamzaeva N. T. et al. THE EFFECTIVENESS OF A NEW FOOD SUBSTANCE-A HARD GELATIN CAPSULE-«VIZION JUNIOR» IS BEING STUDIED IN CHILDREN WHO HAVE RECOVERED FROM THE CORONAVIRUS //World Bulletin of Public Health. – 2023. – Т. 20. – С. 41-45.

6. KJ K. A. K. O. G. O. K., Khamzaeva N. T. IDENTIFICATION OF THE PREVALENCE OF BREAST CANCER AMONG DIFFERENT AGE GROUPS OF THE POPULATION AND ITS PREVENTION //Open Access Repository. – 2023. – Т. 4. – №. 3. – С. 341-344.

7. Xamzaeva N. T. et al. COVID-19 infeksiyasi bilan kasallangan bolalarning epidemiologik taxlili //E Global Congress. – 2023. – Т. 2. – С. 117-119.

8. Toshtemirovna K. N., Islamovna S. G., Sultanovna M. G. THE EFFECTIVENESS OF A NEW FOOD SUBSTANCE-A HARD GELATIN CAPSULE-" SEDAN BARK" IS BEING STUDIED IN CHILDREN WHO HAVE RECOVERED FROM THE CORONAVIRUS //British View. – 2023. – Т. 8. – №. 3.

9. Kurbonov A. K. et al. IDENTIFICATION OF THE PREVALENCE OF BREAST CANCER AMONG DIFFERENT AGE GROUPS OF THE POPULATION AND ITS. – 2023.

10. Матназарова Г. С. и др. Вакцинопрофилактика Covid-19 в Узбекистоне. – 2022.

11. Saidkasimova N. S., Mirtazaev O. M. Epidemic Process of Salmonellosis in Tashkent //Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology. – 2020. – Т. 14. – №. 4. – С. 7364-7367.

12. Расулов Ш. М. и др. Современные эпидемиологические особенности эхинококкоза и его профилактика //Школа эпидемиологов: теоретические и прикладные аспекты эпидемиологии. – 2020. – С. 51-53.

13. Mirtazayev O. M. et al. Scientific, methodological and organizational bases of management of the epidemic process in case of salmonellous infection in Uzbekistan //Central Asian Journal of Medicine. – 2019. – Т. 2019. – №. 4. – С. 72-80.

14. Rasulov S. M. Improving the epidemiology, epizootology, and prevention of echinococcosis in Uzbekistan. Sh. M. Rasulov, GS Matnazarova 2, A. Mirtazayev 3, NT Xamzayeva 4 //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – Т. 7. – №. 02. – С. 2020.

15. Toshtemirovna K. N., Sultanovna M. G., Mirtazaevich M. O. “Covid-19 Infectionsining Epidemiologists Khususiyatlari"(Toshkent Shahri Misolid) //JournalNX. – С. 589-594.

16. Хамзаева Н. Т., Матназарова Г. С., Расулов Ш. М. ТОШКЕНТ ШАҲРИДА COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАНЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ //ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ. – С. 71.

17. Матназарова Г. С., Хамзаева Н. Т., Абдуллаева Ф. О. Covid-19 Инфекцияси билан касалланиш курсаткичларини беморларнинг жинси, ёши, касби ва кунлар бўйича тахлили //ILMIY TADQIQOTLAR VA JAMIYAT MUAMMOLARI. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 80-81.

18. Toshtemirova X. N., Qudrat o'g'li S. A. COVID 19 INFEKSIYASINING BOLALARDA KLINIK KECHISHI //IQRO JURNALI. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 8-11.

19. Хамзаева Н. Т., Матназарова Г. С. COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИДАН ХИМОЯЛАНИШДА ШАХСИЙ ҲИМОЯ ВА АНТИСЕПТИК ВОСИТАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ //PEDAGOGIK ISLOHOTLAR VA ULARNING YECHIMLARI. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 80-82.

20. Матназарова Г. С., Хамзаева Н. Т., Абдуллаева Ф. О. Covid-19 Инфекцияси билан касалланиш курсаткичларини беморларнинг жинси, ёши, касби ва кунлар бўйича тахлили //ILMIY TADQIQOTLAR VA JAMIYAT MUAMMOLARI. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 80-81.

21. Хамзаева Н. Т. и др. THE EFFECTIVENESS OF A NEW FOOD SUBSTANCE-A HARD GELATIN CAPSULE-" SEDAN BARK" IS BEING STUDIED IN CHILDREN WHO HAVE RECOVERED FROM THE CORONAVIRUS //European Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2023. – Т. 12. – С. 201-207.

22. Хамзаева Н. Т. и др. THE EFFECTIVENESS OF A NEW FOOD SUBSTANCE-A HARD GELATIN CAPSULE-" SEDAN BARK" IS BEING STUDIED IN CHILDREN WHO HAVE RECOVERED FROM THE CORONAVIRUS //European Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2023. – Т. 12. – С. 201-207.

23. Исламова Ш. А., Хамзаева Н. Т., Хусайинова Х. Ж. ГЛАВА 15. ВОЗДЕЙСТВИЯ МАЛЫХ ДОЗ ПИРЕТРОИДНЫХ ПЕСТИЦИДОВ НА ПОСТНАТАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ ЩИТОВИДНОЙ ЖЕЛЕЗЫ //ББК 60 С56. – 2023. – С. 175.

WORDLY
KNOWLEDGE